Халқ таълими бошқарув органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириш мажбурий бўлган ахборотлар РЎЙХАТИ

Халқ таълими бошқарув органларининг расмий веб-сайтларига қуйидаги ахборотлар жойлаштирилади:

1. Халқ таълими бошқарув органларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

2. Халқ таълими бошқарув органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилиши тўғрисидаги маълумотлар;

3. Халқ таълими бошқарув органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий, норматив ва бошқа ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар;

4. Халқ таълими бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;

5. Халқ таълими бошқарув органлари томонидан давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;

6. Халқ таълими бошқарув органлари томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;

7. Халқ таълими бошқарув органларининг давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

8. Амалга оширилишида халқ таълими бошқарув органлари иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар;

9. Халқ таълими бошқарув органларининг фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган тармоқнинг (ҳудуднинг) ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ҳақидаги, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;

10. Халқ таълими бошқарув органлари томонидан ўтказиладиган (ташкил этиладиган) очиқ танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;

11. Бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;

12. Халқ таълими бошқарув органлари томонидан тузилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотлар;

13. Халқ таълими бошқарув органларининг очиқ ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби;

14. Халқ таълими бошқарув органларининг раҳбарлари тўгрисидаги маълумотнома тарзидаги ахборот (фуқароларни қабул қилиш кунлари ва ҳоказо);

15. Халқ таълими бошқарув органларининг иш тартиби тўгрисидаги маълумотлар, уларнинг телефон рақамлари.. ҳамда почта манзиллари, электрон почта манзиллари, маълумот хизмати ва ишонч телефонларининг рақамлари, жамоат транспортининг қатнов йўллари, тўхташ жойларининг номлари ва йўналиш рақамлари;

16. Халқ таълими бошқарув органларининг раҳбарлари, шунингдек ушбу органлар томонидан ваколат берилган мансабдор шахслар чиқишларининг ҳамда баёнотларининг матнлари;

17. Халқ таълими бошқарув органлари ҳузурида оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

18. Халқ таълими бошқарув органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхати;

19. Халқ таълими бошқарув органларининг фаолияти тўғрисидаги таҳлилий маърузалар ҳамда ахборот тусидаги шарҳлар;

20. Ариза, таклиф ва шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисида ахборот;

21. Халқ таълими бошқарув органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;

22. Келиб тушган ариза, таклиф ва шикоятларни, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни кўриб чиқишнинг умумий натижалари ҳақидаги ахборот.